

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

_____ жиноят ишлари бўйича _____
туман суди, _____ тумани, “_____” биносида, очик суд мажлисида,
раислик қилувчи: _____
судья ёрдамчиси _____
_____ ёрдамчиси _____ адвокат
_____ иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг
276-моддаси 1-қисми билан судланувчи:

ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали,
икки нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам
судланмаган, _____
_____ кўчаси, 38-уйда яшовчи,
айблов хулосасини ўз вақтида олган, эҳтиёт чораси
тариқасида “шахсий кафиллик” қўлланилганга

нисбатан 1-1103-2601/38-сонли жиноят иши кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва гувоҳлар кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов
жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган
ҳолатларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

_____ худудидан оқиб ўтувчи канал ариғи бўйидан
ёввойи ҳолатда ўсиб турган наша ўсимлигини уруғлари ва шох баргларини
ўзининг келажакдаги истеъмоли учун юлиб олиб яшаш хонадонидаги кириш
қисмида жойлашган айвонидаги гилам тагига яшириб қўйган ҳолда сақлаб
келган.

Бекобод тумани _____ томонидан _____
куни соат _____ ва бошқа жойлар, бинолар, иншоотларни,
жойларнинг участкаларини ва транспорт воситасини текшириш тезкор
тадбирларини ўтказиш” вақтида, _____ “_____”
кўчаси, 38-уйда _____

жойлашган айвондаги гилам тагидан оқ рангли қоғоз парчасига топилиб,
унинг ичи очиб кўрилганида унда ўзига хос ўткир ҳидли яшил-қорамтир
рангли наша гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда _____

_____ кўрилганда наша гиёҳвандлик моддаси ўсимлиги



уруғларига ўхшаш ўсимлик уруғлари борлиги аниқланиб холислар иштирокида хужжатлаштириб олинган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 2026 йил 13 январдаги 46-сонли хулосасига кўра, тадқиқотга тақдим қилинган, [REDACTED] хонадонидан олинган ўсимлик уруғлари-канабис ўсимлиги уруғлари бўлиб Каннабис ўсимлигин уруғларида фаол гиёхванд модда тетрагидроканнабинол аниқланган, каннабис уруғларининг соф вазни [REDACTED]

Судга оид кимёвий экспертизанинг 2026 йил 13 [REDACTED]

ичидаги ўсимлик моддаси куритилган, майдаланган ўсимлик тепа қисмлари вабаргларида ташкил топган таркибида фаол гиёхванд модда тетрогоканнабинол мавжуд бўлган модда марихуанна деб аталиши, марихуаннанинг соф [REDACTED].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорига асосан марихуанна ўсимлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёхвандлик воситалари туркумига киради.

Суд мажлисида [REDACTED]

[REDACTED] яъни [REDACTED] ноябрь ойида [REDACTED] ҳудудидаги оқиб ўтган катта ариқ четидан ўтиб кетаётган вақтида канал ариғ бўйида ёввойи ҳолатда ўсиб турган наша гиёхвандлик моддасини шохбаргларида қизиқиб юлиб олиб уларни уруғидан бир сиқим, шохбаргидан бир сиқим юлиб олиб уларни алоҳида қоғоз бўлақларига ўраб уруғларни уйининг айвонидаги гилам тагига яшириб қўйганлигини, куритилган шохбарглари эса эгнидаги кийими чўнтагини ичига қоғоз бўлагига ўраб ўзини келажакдаги истеъмоли учун солиб қўйганлигини, шундан сўнг ушбу наша ўсимлигини бирор кун чекиб кўраман деб унга тегинмасдан келганлигини, уни бирор бир кимга сотиш ёки ўтказиш мақсади бўлмаганлигини, у шундан сўнг ўзини ишлари билан юраган вақтида [REDACTED]

[REDACTED] деб таништирган фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб икки нафар холислар иштирокида уйига кўздан кечириш ишларини олиб боришларини айтишганлигини ҳамда кўздан кечириш ўтказишдан аввал унга уйда ноқонуний тақиқланган нарсалар борми, агар бор бўлса уларни уларга тақдим этишлигини сўрашганлигини, у [REDACTED]

[REDACTED] маълум қилганлигини, ИИБ ходимлар холислар иштирокида уйига киришиб тинтув ишлари олиб боришганлигини ва текширув вақтида [REDACTED]

[REDACTED] олиб келган ёввойи наша ўсимлиги ҳамда эгнида бўлган кийими чўнтагидан қоғоз парчасига ўралган ҳолатдаги наша ўсимлигининг уруғларини топишганлигини, ҳамда ушбу нарсалар нима эканлигини сўрашганлигини,



шунда ИИБ ходимларига ушбу ўсимликни ёввойи наша ўсимлиги эканлигини, уларни ўзининг истеъмоли учун олиб келиб уйда сақлаётганлигини, ИИБ ходимлари ушбу нарсаларни ҳужжатлаштириб олишганлигини. Ҳозирда айбига тўлиқ иқдорлигини, қилган ишдан пушаймондалигини, оилавий шароити оғирлигини, икки нафар фарзандлари борлигини инobatга олиб, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берган.

Судланувчи

батафсил ёритиб берган гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тўлиқ тасдиқланган.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган куйидагиларни, яъни у турмуш ўртоғи бўлишини, уларни куни соат 13:00 ларда

кўздан кечириш ўтказишлари лозим эканлигини тушунтиришганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари уларни иштирокида уйларини кўздан кечиришганини, шунда хонадони ҳовлисидаги айвондаги гилам тагидан қоғоз пакетга ўралган ҳолатдаги ўткир ҳидли гиёҳванд моддага ўхаш моддани топишганини, бундан ташқари турмуш ўртоғининг эғнида бўлган кийим чўнтагидан наша ўсимлиги уруғларини ок қоғозга ўралган ҳолатда топилганлигини, шундан сўнг

ходимларига турмуш

учун сақлаб келаётган эканлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари ушбу моддани уларни гувоҳлигида тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олишганлигини, уни турмуш ўртоғинини наша гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишидан хабари йўқлигини, шу куни у бундан хабар топганлигини, у турмуш берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган

уларни уйига келишиб бир ишда холис бўлиб беришини сўрашганини, шундан сўнг у уларнинг таклифига рози бўлганидан кейин улар яна бир кўшниси

ходимлари ўзларини қўлларидаги қарорига асосан кечириш ўтказишлари лозим эканлигини тушунтиришганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари уларни уйини кўздан кечиришганлигини, лари исматилонинг яшаш хонадони ҳовлисидаги айвондаги гилам тагидан қоғоз пакетга ўралган ҳолатдаги ўткир ҳидли гиёҳванд моддага ўхаш моддани топишганини, бундан ташқари чикганлигини, шундан сўнг модда нима



эканлигини сўрашганлигини, шунда ИИБ ходимларига [REDACTED] моддани ёввойи наша ўсимлигини барглари эканлигини ҳамда уруғлари эканлигини, уни ўзини истеъмоли учун сақлаб келаётган эканлигини маълум қилганини, шундан сўнг [REDACTED]

[REDACTED] ва улардан ҳолат юзасидан тушутириш хати олишганини айтиб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ [REDACTED]

[REDACTED] келишиб бир ишда холис бўлиб беришини сўрашганини, шундан сўнг у уларнинг таклифига рози бўлганидан кейин улар яна бир қўшниси [REDACTED]

[REDACTED] ходимлари билан бирга қўшниси [REDACTED] киришганини, шунда бу ерда ИИБ ходимлари ўзларини қўлларидаги қарорига [REDACTED]

[REDACTED], шундан сўнг ИИБ ходимлари уларни иштирокида [REDACTED]

[REDACTED] кетга ўралган ҳолатдаги ўткир ҳидли гиёҳванд моддага ўхаш моддани топишганини, бундан ташқари [REDACTED] г эғнидаги кийими чўнтагидан наша ўсимлиги уруғлари чиққанлигини, шундан сўнг [REDACTED] ушбу модда нима эканлигини сўрашганлигини, шунда [REDACTED]

эканлигини, уни ўзини истеъмоли учун сақлаб келаётган эканлигини маълум қилганини, шундан [REDACTED] ушбу моддани уларини гувоҳлигида тегишли тартибда хужжатлаштириб олишганини ва улардан ҳолат юзасидан тушутириш хати олишганини айтиб, кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] унинг айби гувоҳларнинг берган кўрсатмаларидан ташқари, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор қилирув табири натидаларини қайл қилиш баённомаси ва унга илова фотожадвал (и.в. 10), судга оид кимёвий экспертизасининг 2026 йил 13 январдаги 47-46-[REDACTED]

[REDACTED] лган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган [REDACTED] а жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми, яъни гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш, эгаллашдада ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий



таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

ри жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7

жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи

ҳолатларини, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, уни айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, унга айбдор деб топилаётган модда санкциясида назарда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, Ўзбекистон

ёзиб олинган 1 дона DVD дискни жиноят иш ҳужжатларида сақлаш учун қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Ўзбекистон

белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга” деб тушунтириш берилганлигини инобатга олиб, судланувчига шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисми,
29-моддаси 5-қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-

Х У К М Қ И Л Д И :

унга шу модда билан иш
ҳақидан 20 фоиз давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда
1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини
назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро қилиш

судланувчи нисбатан
қўлланилган “Шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси бекор

Ашёвий далил тариқасида олиниб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБда

1 дона DVD дискни жинойт иш
ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Хукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка
ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида
апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация
тартибида судининг жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига
протест ёки шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

ИМЗО

Нусха аслига тўғри

